

Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta <http://farhaqiqat.uz/>

t.me/farhaqiqati



Чинакам жасорат ва матонат намунаси

Ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Саудия Арабистони майдонларида бўлиб ўтган нуфузли мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этиб, юксак соврин — Осиё кубогини қўлга киритди

Эл-юртимиз сизларнинг тимсолингизда доимо олдинга интилиб яшайдиган, юксак марраларни забт этишга қодир **Янги Ўзбекистон** ёшларининг энг ёрқин вакилларини кўради ва сизлар билан ҳақли равишда фахрланади.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВнинг футбол бўйича ўн етти ёшгача бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига йўллаган табригидан).

ИСЛОМБЕК ИСМОИЛОВ:
“ЎЗБЕК
ФУТБОЛЧИЛАРИ
НИМАЛАРГА
ҚОДИРЛИГИНИ
ДУНЁГА ЭСЛАТИБ
ҚЎЙДИ”

Марғилонлик таниқли футбол мутахассиси Муроджон Исмоиловнинг ўғли, эндиgina 33 ёшга қадам қўйган Исламбек Исмоилов мураббийлигидаги Ўзбекистон U-17 терма жамоаси Саудия Арабистони мезбонлик қилган Осиё кубоги мусобақаларида мағлубиятсиз юриши билан бош совринни қўлга киритди.

4-бетда

**АСИЛБЕК АЛИЕВ —
ОСИЁ КУБОГИ ЎЙИНЛАРИ ТЎПУРАРИ**

Айни кунларда бутун дунё аҳли ўзбекистонлик ёш футболчиларнинг матонати ҳақида жўшиб гапирмоқда. Ватандошларимизнинг юзида кувонч, ҳар бир ўзбек хонадонидида ғалаба нашидаси ҳукмрон. Деярли бир ой давомида Саудия Арабистонида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё кубоги ўйинларида футболчиларимиз бош совринга эгалик қилишди.

4-бетда

Интилганга —
омад ёр

ЙЎЛ БЎЙИДАГИ СУҲБАТ



Олтириқдан Риштон томон юрсангиз, йўл бўйида анчайин катта майдонга қуёш панеллари қўйилганини кўрасиз. Бу “MY GARDEN” фермер хўжалиги худуди. Ҳам мохир боғбон, ҳам тадбиркор **Адҳамжон АБДУРАҲМОҲОВ** ҳам шу ерда, ишчилари билан ниманидир муҳокама қилаётган экан. Биз тўхтаб, фермерни суҳбатга тортдик. Қуёш панеллари ўрнатилиши тарихи ва қизиқиши сабабини сўрадик.

2-бетда

ДАНҒАРА: Пахтачиликда Хитой услуби



Пахта зироат сифатида икки минг йил аввал ҳам экилгани ва толасидан матолар тўкилганини археологик топилмалар исботлаган. Орадан шунча асрлар ўтиб ҳам деҳқон янги нав, самарадор услуб, юқори ҳосил чораларини излайди. Бу йил Фарғона вилоятининг барча туманларида Ўзбекистон Президенти тавсиясига кўра, Хитой услубида чигит экилди. Мақсад ўша-ўша — юқори ҳосил олиш.

3-бетда

ЙЎЛ БЎЙИДАГИ СУЎБАТ

(Бошланиши 1-бетда).



– Катта имтиёзлар яратилди. Бу – кредитлар, биз ишлаб чиқарган ортиқча электр энергияни сотиб олиш, ер солиғидан озод қилиш ва бошқа имтиёзлар ҳам бор.

Ўтган йили уйимга 20 кВтт соатли қуёш панели ўрнатиб, бир йил мобайнида синаб кўрдим. Оиламиз бюджетига қанча фойда қолганини аниқладим. Қуёш панели фойда келтиришига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг фермер хўжалигининг совуқхонаси учун қуёш энергияси ишлаб чиқариш станцияси қуришга қарор қилдим. Чунки унга бир ойда ўртача 100 миллион сўмлик электр сарфланади.

Адҳамжон аканинг боғлари Олтиариқда тилга тушган. Сара кўчат, серҳосил нав, бенуқсон мевалар...

– Фермер хўжалигимизда 70 гектар боғ бор. Асосан тошлиқ ва адир ерларда. Сув таъминотида муаммолар бор. Шунинг учун 6 та тик қудуқ қазиб, сув чиқарганман. Агар рухсат беришса, ҳар бир дренажга 100 кВтт соатлидан қуёш панеллари ўрнатган бўлардим. Унинг 40 кВтт.и сув чиқариш учун насосларга ишлатилади. Қолган 60 кВтт.ни сотиш ёки шу атрофдаги эҳтиёж учун сарфлаш мумкин. Агар шундай қилсак, сув чиқариш текинга бўлиб, яна сарфланиши лозим бўлган маблагнинг 20-30 фоизи миқдориди даромад олиш ҳам мумкин.

Фермер ва тадбиркор, албатта, ҳамиша пировард натижани ўйлайди. Масалан, Адҳамжон ака бунинг учун агроном, муҳандис, менежер каби ихтисосликларни ўзлаштирган. Шунинг учун боғлариди тупроқ серунум, сув эса бетон ариқ ва лотоклардан оқади.

– 16 гектар ер майдонини аукцион орқали сотиб олганимга 3 йил бўлди. Биринчи йили ерни текисладим, шўрини ювдим, кейин 5000 машинада тупроқ олиб келиб аралаштирдим. Ўша йилиёқ мева кўрсатди. 200 миллион сўм даромад олдим. Бу йил эса 100 тоннага яқин мева беришини ҳисоб-китоб қилдик. У интенсив усулда бўлганилиги учун тез ва мўл ҳосилга қирмоқда. Сувни тежаш учун лотоклар қилинган. Тик қудуқдан сувни олиб, ҳовузда бир мuddат саклаб, иссиқлик ҳароратини кўтаргачгина сугоришга йўналтирилади.

Мевани мавсумида сотсангиз бир нарх, яна бир мuddат музхонада саклаб туриб сотсангиз яна бир нарх. Адҳамжон ака иккинчи йўлни танлаган. 2 минг тонналик совуқхонаси бор. Аммо унга шунча кўп электр қуввати керакки... Тадбиркор ўзи Хитойдан қуёш панеллари олиб келиб, хўжалик ҳудудига ўрнатди. Энди...

– Ҳозир бир кунда 1 миллион сўмлик электр қувватини сотишим мумкин. Аввалига музхонага, тик қудуқларга, ёритиш эҳтиёжларига ўзимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергия сарфланади. Унга 400 кВтт соат керак. 1000 кВтт соатли қуёш энергияси ишлаб чиқариш станциясининг ортиқча қувватини шу атрофдаги маҳалла аҳолисига сотаямиз. Шундай қилиб, совуқхона электр энергия билан текинга таъминланаяпти ҳамда қуёш панели ишлаб чиқарган ортиқча энергияни сотиб даромад ҳам кўраямиз. Ким муҳтарам Президентимиз қабул қилган ҳар бир қарор ва фармонни ўқиб, мағзини қақса ва амалиётда қўлласа, мен каби фойда кўради.

Аслида, бюрократик сансалорликлар ҳам йўқ эмас. Дастлаб лойиҳа керак, турли идоралар розилигини олиш зарур...

– Ҳамма нарсанинг қийинчилиги бор, тўсиқлари ҳам бўлади. Биз уларни енгиб ўтдик. Қийналган жойимиз шундаки, дастлаб бизга 500 кВтт соатли қуёш станцияси учун рухсат беришди, холос. Ҳолбуки, 1000 кВтт соат қувватга эга қуёш панелларини Хитойдан олиб келган эдим. Кейин яна 500 кВтт соатга рухсат беришди. Ҳозир яна 200 кВтт.ли қуёш панели ўрнатишга жойимиз бор. Аммо унга рухсат беришмаяпти. Монополистлар билан курашиб, энергия бозорига кириб бориш ҳам осон эмас. Бундан бир неча йил аввал Олтиариқ – Риштон оралиғидаги 20 қачиримлик йўлнинг икки ёни қир-адир эди. Энди бу ерда боғлар, иссиқхона-ю, музлаткичлар, логистик марказларни кўрасиз. Аммо ҳали қишлоқ хўжалиғига яроқсиз майдонлар, қурган ёки эски боғлар ҳам бор.

– Менинг таклифим – шу ердаги қир-адирларга қуёш панеллари ўрнатиб, ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш лозим.

– Қаранг, биздан аҳолига сотилаётган нархдан электр энергияни 20 фоиз қимматига олмоқда давлат. Мақсад – тадбиркорни химоя қилиш. Шунинг учун ҳар бир фермер, ҳар бир тадбиркор сув чиқарадиган тик қудуқлар, зах сувларни тортиб олувчи насослар... ҳаммасига қуёш панели ўрнатишни тавсия қилар эдим.

Йўл бўйидаги сўхбатимизга Адҳамжон ака ажойиб таклиф, аниқроғи, ташаббус билан яқун ясадилар.

– Беҳисоб қовун экамиз. Агар уни қайта ишлаб, шарбатини олсак, дунёнинг барча мамлакатларида харидор топилади. Ўзбекистоннинг ўзида 200 та «Корзинка» савдо дўкони бор, 2000 га яқин озиқ-овқат супермаркетлари мавжуд. 5000 га яқин минимаркетлар ишлаб турибди. Лекин уларнинг ҳеч бирисида на қовун шарбати, на тарвуз, на ошқовоқ, на қизилча, на пиез шарбати бор. Ҳолбуки, деҳқончилик фарқ пилган пайти улар исроф ҳам бўлмоқда. Ўтган йили қанча тарвузлар далада қолиб кетди. Қовун шарбати юракка, тарвузники бўйракка, ошқовоқ жигарга даво. Қизилча шарбати эса қонни су-юптиради. Пиез шарбатидан 1 чой қошиғида истеъмол қилсангиз, ошқовон ҳечам касалланмайди. Мана шу таклифларни амалга оширганга муҳтарам Президентимиз имтиёзли кредит бераман деяптира. 5 йилга эмас, 7 йилга, 10 йилга. Бундан албатта фойдаланиш керак.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Farg'ona haqiqati



Баҳодиржон ШЕРМУХАММАДОВ,
Фарғона давлат университетини ректори,
педагогика фанлари доктори

Муассаса таркибида фақат колхоз ёшлар мактабларининг иккита, жумладан, ижтимоий-иқтисодий ва табиий биология факультетлари очилди. Факультетлар ўқув дастури бўйича бутун курс етти семестрга бўлинган, уларнинг ҳар бири тугалланган



Мазкур мақоланинг лотин ёзувидаги матнини QR-код орқали ўқишингиз мумкин

ФАРҒОНА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ўқув йилини аяглаган. Олти семестрнинг давомийлиги 5 ойдан, охириги семестр 3 ой, ҳар семестр ўртасида дам олиш учун бир ойлик танаффус мавжуд бўлган.

Ўқув дастурига тор мутахассислик, назарий семестрларнинг 8 соатлик иш кунин ва ўқув жараёни ташкил этишнинг фаол режалаштирилган тизими киради. Ишлаб чиқариш амалиёти куйидаги назарияларга асосланади:

а) қишлоқ хўжалигини ўрганиш, йирик колхозларда амалий ишлар билан пахта дастури асосида унинг кейинги барча тармоқларида ишлаб чиқариш;

б) 1-босқич қишлоқ мактабда педагогик амалиёт, пионер ҳаракати ва узоқсиз коллективлаштириш соҳаларида катта педагогик жараёнга асосланган асосий мактаб ва колхоз ёшлари мактаби фаолияти;

в) максус цикл мавзуларида услубий амалиёт.

Назарий курслар учун ўқув дастурига мурофиқ 4320 соат ажратилган. Ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, биринчи навбатда, талабалар учун масофавий ўқитиш ишларини ташкил этиш ва бошқаришга қодир аппаратни яратиш ни талаб қилган, шу билан бирга, ушбу аппаратнинг малака ошириш институтини филиали шаклидаги функциялари кенгайтирилиши мумкин бўлган. Институт ўз мактабларидаги ўқитувчиларнинг иши бўйича графикани бошқариш ва назорат қилиш учун малакали услубчилар ва ОТМ ўқитувчиларидан иборат сабаҳат инспекцияси груҳи тўзилган. Бу ОТМни қишлоқ мактаби амалиётига яқинлаштирилган ва туман халқ таълими бўлими ўзларининг услубий раҳбарлигини сезиларли даражада мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлган. Текширув гуруҳларининг иши қишлоқ мактаби учун мўлжалланган, аниқ амалий материаллар ва унинг қурилиши, ҳар бир ўқитувчига айни пайтда жуда зарур бўлган материаллар билан тўлдирish мақсадида педагогик журнал нашр этилиши йўлга қўйилган.

Олий ўқув юртида машғулотлар май ойидан бошланиши сабабли апрель ойида ўқишга қабул қилишда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан 140 нафар қишлоқ мактаб ўқитувчиларини жалб қилиш назарда тутилган. Абитурientларга қишлоқ мактабидида уч йиллик иш стажига ва округ (1930 йиллар охиригача ҳозирги вилоятлар ўрнида округлар бўлган) таълим бошқармаси тавсияномаси, 35 ёшгача, тегишли етти йиллик мактаб маълумотига эга бўлиш, рус тилини яхши билан талаблари қўйилган.

Ишга қабул қилишда миллий ядро (маҳаллий миллат) камиди 75 фоиз бўлиши кераклиги назарда тутилган. Барча абитурientларнинг ижтимоий келиб чиқиши хизматчи (ўқитувчи) бўлиши ҳисобга олинса, улар шундай ижтимоий муносабатларга тегишли бўлиши, партия – комсомолга қабул қилиш ишидеҳқонлар ядросининг 60 фоизини ташкил қилиши керак бўлган. Аёллар ядроси 30 фоиз (бундан кам эмас). Қабул қилинган барча ўқитувчилар учун уларга тўланадиган маош ва мактабдаги иш ўрни сакланиб қолиши, бундан ташқари, назарий семестрнинг беш ойи давомидида Халқ таълими комиссариати томонидан оийга киши бошига 45 рубль миқдориди шартнома стипендияси берилиши белгиланган.

ОТМга ёллаш учун 20 мартга қадар туман халқ таълими бўлими қоида қуйидаги таркибда ёллаш комиссиялари тўзилиши керак эди: ОкрОНО мудири (ёллаш учун шахсан жавобгар), ишчилар уюшмаси вакили, республика округ қўмитаси вакили, барча шахсий ҳужжатлар билан юборилган ўсиш тўғрисидаги, ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, соғлиги тўғрисидаги ҳужжатлар. ОкрОНОнинг тавсифи ва юборилган бошқа ҳужжат Фарғона шахрига ҳисоб-китоб билан юборилиши, ҳужжатлар 20 – 25 апрель кунлари келиб тушиши, у ерда улар шундай синовдан ўтиши лозим бўлган. Рус тилида равон сўзлай олиши (чунки дастлабки

ФАРҒОНАДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ОЛИЙ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ 1930 ЙИЛ 1 МАЙДА ОЧИЛГАН. У РЕСПУБЛИКАДАГИ ИККИНЧИ ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ (ОТМ) БЎЛИБ, ИЛҒОР ТИПДАГИ КОЛХОЗ ЁШЛАР МАКТАБЛАРИ УЧУН ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ МАҚСАД ҚИЛИНГАН ЭДИ.

даврда олий ўқув юртидаги асосий профессор-ўқитувчилар таркиби русийзабон эди), математика ва ижтимоий фанлар бўйича етти йиллик мактаб дастури доирасидаги билимга эга бўлганлик ҳақидаги ҳужжат талаб қилинган. Сино комиссияси маълумотларига асосланиб, ОТМ ҳузуридаги қабул комиссияси яқини қабулни амалга оширган.

Рўйхатдан ўтиш пайтида ўқитишнинг ижтимоий мансублик қисмига устуллик берилган, у ўзини мактабни ташкил этишда ҳам, тегишли органларнинг шарҳлари билан тасдиқланган ижтимоий-сиёсий ишларда иштирок этишда ҳам тавсия қилинган. Педагогика институтини кадрларидан колхоз ёшларининг кенгайтирилган мактабларини ташкил этиш бўйича барча машаққатли ишлар елкасига тушадиган йирик ташкилотчи

тути тугатилиб, улардаги талабалар ўқиши Фарғона педагогик институтига кўчирилди.

Кўчирилган талабалар билим даражаси етарли эмаслиги сабабли институт раҳбарияти уларга махсус қўшимча дарслар ташкил этади. Бундан кўзланган мақсад уларнинг билим даражасини янги ўқув йили бошланишига қадар бу ердаги талабалар даражаси билан тенглаштириш эди.

1932–1933-йилларда олий ўқув юртини Босит Қориев бошқарган. У кечки бўлимини ташкил этган ва ёшларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишларини ташкиллаган. Деканлар, кафедра мудири, шу жумладан, илмий котибларнинг юқори малакали мутахассис бўлишига, уларнинг тажрибаси ва ташкилотчилик қобилиятига алоҳида эътибор қаратган, факультет жамоаси ўртасида обрўси, бошқарувчи раҳбарлигини назарда тутган. У республика ҳукумати чакирғи билан Халқ маорифи комиссарлиги Санъат бўлими бошқилиғига чакирғиб олинган. Б. Қориев кейинчалик "Ақилинқилибий миллатчи"лик айби билан қамоққа олиниб, 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган.

1933–1937-йилларда институтни Г.П.Ижбулдин бошқарган. Бунгача у Халқ маорифи комиссарлиги мактаб бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган. Институтга директор этиб тайинлангач,

олийгоҳ профессор-ўқитувчилари илмий салоҳиятини ошириш мақсадида Самарқанд давлат университети ва собиқ иттифок олий ўқув юртиларидан мутахассисларни таклиф қилган. 1935 йил 1 сентябрда институт қошида икки йиллик ўқитувчилар тайёрлаш институтини айна унинг ташаббуси билан ташкил этилган. 1936 йилда унинг раҳбарлиғида талабалар учун ётоқхона (ҳозирги тарих факультети ўқув биноси) қурилиши бошланган. Талабаларнинг малакавий амалиётини мактабларда ўталишини бошлаб берган.

Институтни 1937–1939-йилларда иқтисод фанлари номзоди, доцент И.М. Преснухин бошқарган. Унинг раҳбарлиги даврида олийгоҳда ботаника, биология, кимё, зоология, тарих, география, адабиёт, физика, математика ва педагогика лаборатория кабинетлари, шу жумладан, институт қошида ёшларни олий ўқув юрти талабалари бўлишини ташкиллаш ва мактаблар учун кадрлар тайёрлашга мўлжалланган олти ойлик тайёрлов курси очилган. 1938 йилда ётоқхонанинг фойдаланишга топширилиши институт тарихидаги катта воқеалардан бири бўлган.

1939–1940-йилларда олийгоҳга Й.Велиев раҳбарлик қилган. 1939 йилда ўқув корпуси учун мўлжалланган уч қаватли ўқув биноси (ҳозирги физика-математика факультети)нинг фойдаланишга топширилиши, керакли ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланиши институтда ўқув ва таъмин-тарбия ишларининг янада яхшиланишига асос бўлган. Шунингдек, ўқув режалари ва талабаларни қабул қилиш меъёлари янада такомиллаштирилган. Ўқув, таълим, илмий ва методик ишларни яхшилаш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ўқсатириш, умум-таълим мактаблари ва техникумларга юқори малакали ўқитувчилар тайёрлашнинг йўлга қўйилиши айна унинг даврида амалга оширилган.

Талабаланиқ қабул қилинганларнинг деярли барчасида рабфакни тугатганлик, олий ўқув юртига кириш учун тайёргарлик курсларидан ўтганлиги ҳақида сертификатлар мавжуд бўлсада (саводсизликни тугатиш курсларини олти ой ичида муваффақиятли тамомлаганлар), университетларга кириш учун ташкил этилган тайёргарлик курсларига қабул қилинган. Олти ойдан бир йилгача ўқилгач, тўғридан-тўғри университетга қабул қилинган.

Маҳаллий тилда ОТМ учун дарсикларнинг йўқлиги нафақат хавотирли, балки юқори малакали мутахассислар тайёрлашга таҳдид ҳам ҳисобланган. Биринчи ва иккинчи босқич талабалари рус тилини заиф билиши, ўзбек тилида эса дарсикларнинг мавжуд эмаслиги, синовларга тайёргарлик қўриш учун ҳеч қандай китобларнинг йўқлиги оқибатида тайёргарлик факатгина оғзаки тушунтириш ишлари билан амалга оширилган. Шунингдек, ўқув жиҳозлари, айниқса, илмий лабораторияларнинг етишмаслиги малакали мутахассислар тайёрлашга салбий таъсир кўрсатган.

СССР МИҚсининг 1932 йил 19 сентябрдаги олий ўқув юртилари ҳақидаги қарорига кўра, ўқув режимидаги дастлабки қадам дарс жадвалини тўғри ташкиллаш эди. Ўша ўқув йилидан бошлаб институтда ҳафталик дарс жадвали режимиға ўтилган. Ушбу шартлар қисқа вақт ичида белгиланган жадвалга риоя қилишга мажбурликдан ташқари, курсларни мунтазам равишда жойлаштириш имкониятидан маҳрум бўлинди. Агар СССР МИҚ қарориди талабалар ҳар бир илмий интизомни бемалол ва чуқур ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлишлари учун қисқа вақт ичида алоҳида фанларнинг ўтишини қайта этиш бююрилган бўлса, унда институтда алоҳида фанлар концентрацияланган курсини ўташининг бундай амалиёти жуда кенг тарқалган эди. Ўша икки нукта – қисқа жадвал ва алоҳида фанлар бўйича дарсларни

уйғун жойлаштириш институтда ўқув ишини ташкил этишдаги муҳим камчилик эди.

Институт дарс жадвали анча эскирган тизим бўйича ташкилланганлиги сабаб, 1932 ўқув йилидан бошлаб бу камчилик бир қадар тузатилиб, олти кунлик ҳафта ва 6-8 соатлик иш режимиға ўтилган. Бу эса ҳар бир фанни режали тарзда дарс жадвалиға жойлаштириш имконини беради.

Олийгоҳда академик тартибнинг бузилишига қарши қатъий кураш олиб борилиб, бутун жамоа, яъни талабалар ва ўқитувчилар жалб этилди. Талабаларнинг дарсга қатнашиш даражаси устидан кунлик назорат ўрнатилиб, ушбу тартибни бузганларга институт маъмурияти томонидан турли жазолар қўлланила бошланди. Жазо турлари дарс қолдирувчиларга ёзма огоҳлантириш, кўча доскаларда улар ҳақида маълумотлар эълон қилиш, стипендиядан, талабаликдан маҳрум қилиш ҳақида огоҳлантиришлардан иборат бўлган.

Дастлаб институтга фақат битта – 1902 йил Г.М.Сваричевский лойиҳаси асосида қурилган собиқ ўғил болалар гимназияси биноси ажратилганлиги сабабли ўқув хоналари етишмаган. Талабаларни турар жой билан таъминлаш масаласи ҳам бирдан ҳал бўлмаган. Ётоқхона йўқлиги боис улар палаткаларга жойлаштирилган.

(1930 -
1940 -
йиллар)

Республикада халқ маорифининг тез ривожланиши олий малакали педагогларга бўлган эҳтиёжнинг ортишига олиб келди. Шу боисдан бошқа олий педагогика ўқув юртилари сингари Фарғона давлат педагогика институтиди ҳам кадрлар тайёрлаш қўлами кенгайа бошлади. Йилдан-йилга ўқишга қабул қилинган талабаларнинг сони ошди. Шунга мс равишда институтда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг сони кўпайиб, илм дароҳининг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланиб борди.

Талабалар орасида маҳаллий миллатта мансуб ёшлар ва хотин-қизлар салмоғи ошиб борганлиги диққатга сазовордир. Агар 1930 йилда 160 нафар талабадан 113 нафари ўзбек ва 16 нафари бошқа маҳаллий миллат вакиллари бўлган бўлса, 1938-1939 ўқув йилида қундузги бўлимда таълим олаётган 414 талабадан 184 нафари ўзбек, 4 нафари тожик ва 8 нафари қирғиз миллати мансуб эди. Институт ташкил топганида 19 нафар хотин-қизлар ўқишга қабул қилинган бўлса, 1938-1939 ўқув йилида эса уларнинг сони 123 нафарни ташкил этган.

1933 йил 15 январда институт илк бор ўз битирувчиларини учирма қилди. Шу йилнинг 15 июнида иккинчи марта ўқиниши битирганлар учун ҳаётга йўлланма берилди. Шу йили ижтимоий-адабий, кимё-биология ва мактабгача тарбия бўлиmlарининг 105 нафар битирувчиси олий маълумотли ўқитувчи дипломини олди. 1934 йилда яна 90 нафар талаба ўқиниши муваффақиятли битирди. Фарғона давлат педагогика институтини бағридан илк қалдирғочларнинг учирма бўлиши вилоят ҳаётида ҳамда республика халқ маорифи тарихида муҳим воқеа бўлди.

Институтни биринчилар қаторида битириб чиққан ёш мутахассислар орасида кейинчалик академик илмий унвонига эга бўлган Воҳид Абдуллаев ҳам бор эди. Ўша даврларни эслаб, у қуйидагиларни ёзган эди: "Мен институтнинг биринчи қалдирғочлари қаторида таҳсил қўриб, 20 ёшимда маданият ва маънавият фронтига отлангандим. Илмий изланишлар, баҳоли қудрат қилган хизматларимга яраша фахрий унвонлар, орден ва медаллар соҳиб бўлишимдан қатъи назар, ҳали ҳам ўша талабалик даврим, оташқалқ ёлғилим билан яшайман. Ўқийман, ўрганаман, китоблар ёзаман. Зеро, институтим, забардаст профессорларимиз мени ҳам, тенгдошларимни ҳам ана шундай руҳда тарбиялаганлар".

Таълим сифатининг яхшиланиб боришида институт моддий-техникавий базасининг мустаҳкамланиши муҳим аҳамиятга эга эди. 1939 йил институтда иккита ўқув бинолари (ҳозирги физика-метематика ҳамда тарих ва иқтисод факультетлари бинолари) ишга туширилди. Аудитория фонди кўпайиб, янги ўқув лабораториялари ва кабинетлар ташкил этилди. Урушдан олдинги йилларда Фарғона давлат педагогика институтини ҳаётида рўй берган ижобий ўзгаришларда 1937–1939-йилларда директорилик лавозимида ишлаган И.М.Преснухин, 1939–1940-йиллардаинститутга раҳбарлик қилган Й.Велиев ва 1940–1942-йилларда ишлаган Л.Р.Садиковнинг хизматлари катта бўлди.

Шундай қилиб, дастлабки даврда олий ўқув юрти фаолияти асосан нафақат ўқув тизимини йўлга қўйиш ва таълим тизимига педагог-кадрлар тайёрлашга, балки илмий соҳага ҳам қаратилди. Шу билан бирга, маҳаллий кадрларни етиштиришга устувор вазифа сифатида қаралди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, XX асрнинг 30-40-йиллари Фарғона педагогика институтининг шаклланишида муҳим давр бўлди. Олий ўқув юртида сифатли таълимни йўлга қўйишда асосий жиҳатлардан бири моддий-техника базаси эди. Бунинг учун XX асрнинг 30-йилларидида иккита ўқув биноси қурилди. Лабораториялар жиҳозланди, университет кутубхонаси фонди яхшиланди.



Тараккиёт чўккисини КЎЗЛАГАНЛАР

1. "ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИГА САРМОЯ КИРИТИБ, АДАШМАДИМ"

"Атроф муҳитни асраш ва "яшил" иктисодиёт йили"да юртимизда "яшил" технологияларни жорий этиш, сувни тежаш, яшил майдонларни кескин кўпайтириш масаласига жиддий аҳамият берилмоқда. Давлатимиз раҳбари янги давр Янги Ўзбекистон учун жадал ривожланиш даврига айланишига, тараккиётнинг янада юксак чўккисини забт этишига ишонч билдирди.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиб, қуёш панеллари ўрнатиш кенг йўлга қўйилди. Фуқаролар учун давлат томонидан турли дастурлар ва имтиёзлар жорий этилди. Қуёшдан келаётган энергия беҳисоб. Ўзбекистонда бир йилда 300 кундан ортиқ бўлутсиз кун бўлади. Бу беназир энергиядан самарали фойдаланиш имкониятлари ишга солиниб, "Қуёшли хонадон" дастури изчил амалга оширилмоқда.

Вилоятимизда ҳам кўплаб хонадонлар қуёш панеллари ўрнатиб, ўзини ўзи электр энергияси билан таъминлабгина қолмасдан, оиласидан ортган қувватни давлатга ҳам сотмоқда. Учқўприк туманидаги "Зигир" маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи Илҳомжон Ҳамидов ана шундайлардан бири. У оиласининг энергияга сарфлайдиган харажатини қисқартириб, даромад оляпти.

Илҳомжон хонадонига қуёш панеллари ўрнатишга қизиқиб, мутахассислардан маслаҳат ва тавсиялар олди. Шундан сўнг синов учун 20 кВт қувватли қуёш панеллари ўрнатди. Қўрилманинг ишлаш хараёини тушуниб олди, энергия ҳисоб-китобини чамалаб қўлиши ва "Қуёшли хонадон" дастурига ўранишга қарор қилди.

Ҳозир ҳар ойда 2-3 миллион сўмгача даромад оляпман. Ҳисоблаб кўрсам, қилган харажатларим 2 йилда тўлиқ қопланиб, кейин соф фойдага ўтаман. Қуёш панеллари нафақат иктисодий фойда келтираркан, балки энергия таъминоти узлуксизлигини ҳам таъминлар экан. Яқин келажакда уйимдаги қуёш

панеллари қувватини 100 кВт. га етказиш ниятим бор, — дейди Илҳомжон. Дарҳақиқат, қуёш панеллариға сармоя киритиш Ўзини тўла оқлаб, барқарор даромад манбаига айланишини у ўз мисолида кўрди ва яна панеллар қувватини ошириш учун сармоя киритмоқчи. Туманда бундай тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда.

2. ҲАСАНҚОРАЛИК МИЛЛИОНЕР

Аслида, билганга томорқа — қони фойда. Илгари кўпчилик бунга эътибор бермасди. Қишлоқда томорқаси бўла туриб, хуштаъм кўкпиёз, турли зиравор ва кўкатларни бозордан сотиб оладиганлар оз эмасди. Баъзи хонадонлар томорқасини бегона ўт босиб ётар ёки кам даромад экинлар экилар эди. Бугун вазият тамомила бошқача. Ерга меҳр билан ишлов берилса, оила дастурхони тўкин, рўзгор бут, муҳтожлик бартараф этилишини ҳамма билади.

Учқўприк туманида томорқанинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиб, турли маҳсулотлар, иссиқхонасида сабзавот ва зираворлар, цитрус мевалар етиштираётган, фарзандларига деҳқончилик илмини, ҳалол меҳнатнинг фойдасини ўргатаётган оилаларнинг саногига етиш қийин.

"Ҳасанқора" маҳалла фуқаролар йиғинининг энг миришкор томорқачиларидан бири Файзуллох Ҳайдаров санади. Қишлоқда йилнинг тўрт фаслида ҳам маҳсулот етиштириб, томорқасини чинакам даромад манбаига айлантирган, оиласини обод ва бадавлат этаётган хонадон соҳибини соҳибалари бисёр. Уларнинг ҳар қайсиси ҳақида мактос сўзлари ёзса ярашади.

— Ўтган йили янги тажрибага қўл урдим, натижаси яхши бўлди, — дейди Файзуллох, — томорқамда Корея технологияси асосида гидропоника усулида 4 сотихли иссиқхона барпо этдим. Бу ерга ўтган йилнинг сентябрь ойида 7,5 минг туғ кулупнай кўчати эдим. Парваришини оби-тобида олиб борганим туфайли ҳосил кутганимдан ҳам зиёда бўлди. Мавсум бошида кулупнаининг ҳар килоси 150-200 минг сўмдан сотилди. Бир мавсумда терилган ҳосилим 3 тоннага

боради. Кўчат ва кулупнай савдосидан 300 миллион сўмдан зиёд даромад олишни кўзлаб турибман.

Томорқа қони фойда, меҳнатнинг таги эса роҳат, деганлари шуда.

3. КАТТА ҚАШҚАРДАН 700 ТОННА ЛИМОН — ЭКСПОРТГА

Вилоятимизнинг кўплаб ҳудудлари, жумладан, Учқўприк туманининг 30 дан ортиқ маҳаллалари ишсизликдан холи ҳудудга айланганига анча бўлди. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг муқим иш билан банд қилиниши — муҳтожликни йўқотишнинг асосий омили. Бу борада



маҳалла драйверини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда лимон энг кўп етиштириладиган цитрус мевалар сирасига кирди. Ўзбекистон лимон экспортининг салмоқли қисми Россия, Қирғизистон, Қозоғистон, Ҳиндистон, Япония, Мянма, Гана каби давлатлар ҳиссасига тўғри келарди. Эндиликда улар қаторига Хитой ҳам қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 2 апрелдаги "Республикада лимончилик соҳасини кўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда Норин, Шахрисабз, Учқўприк ва Денов туманларида битта-

дан маҳаллани илмий асосланган ёндашув асосида лимон кўчатлари етиштиришга ихтисослаштириш ҳамда бу туманларда 1 миллион дона сифатли лимон кўчати етиштиришни йўлга қўйиш, лимонни сақлаш учун аҳоли хонадонларида энергия тежайдиган омборхоналар қуриш чораларини кўриш белгиланган.

Туманда қарор ижросини таъминлаш учун амалий ишлар бошлаб юборилган. Масалан, "Катта Қашқар" маҳалла фуқаролар йиғини аллақачон ишсизлик мақомига эришган бўлиб, цитрус мевалар, хусусан, лимон етиштириш ва кўчатчилик маҳалланинг асосий драйвери ҳисобланади. Маҳалладаги 1367 та хонадоннинг 900 тадан кўпида лимон етиштирилади. Лимончилик миришқорлари ҳар йили ўртача 800 тонна лимон ҳосили териб олиб, унинг 700 тоннасини чет давлатларга экспорт қилади.

Кейинги йилларда маҳаллада лимон билан бирга мандарин, апельсин каби ноёб цитрус мевалар етиштирил-япти. Кўчатчилик жадал ривожланиб бормоқда. Бу ерда бир нечта лимончилик кооперациялари ташкил этилган бўлиб, улар цитрус мевалар кўчатлари етказиб бериш, агротехник ва кимёвий ишлов бериш, тайёр маҳсулотни сотиб олишгача бўлган жараёнларда томорқачиларга кўмаклашади.

Маҳалладаги хонадонларда 2-6 сотихли, баъзиларида 20 сотихгача иссиқхоналар барпо этилган. Ҳар йили тонна-тонналаб сархил, шифобахш мевалар дунё аҳолиси дастурхонига тортиқ этилиб, оилалар турмуш фаровонлиги юксалиб бормоқда. Битта хонадон лимончиликнинг ўзидан 50-100 миллион сўмгача даромад олади.



Маҳаллада яшовчи қарийб 250 та оилага аукцион орқали ижарага 38,1 гектар ер ажратиб берилди. Айни пайтда катта ҳажми замонавий иссиқхоналар ташкил этишга киришилди. Лимон кўчатлари ҳосилга киргунга қадар иссиқхоналарда тўқсонбости экинлар, шולי парваришлаш орқали қўшимча даромад олиш мумкин.

Интилган довои ошиб, чўккинги кўзлабди. Учқўприкликларнинг бугунги азму шижоати, ташаббускорлиги ва фидойи меҳнати тараккиётнинг юксак чўккиси забт этилишидан далолат бериб турибди.

Абдуҷалил БОБОҶОНОВ.

Данғара: Пахтачиликда Хитой услуби

(Бошланиш 1-бетда).



— 5450 гектарни ташкил этган 161 та контурга шу йил 20 мартда экиш ишларини бошлаб, 19 апрелда тўлиқ тугатдик. Шундан 60 гектар майдонга тажриба тариқасида плёнка остига чигит эдикди, — дейди Данғара тумани фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши мутахассиси Абдулазиз Баҳромов. — Ўтган йили қўшқатор экилган майдонлардан 40-47 центнердан ҳосил олди фермерлар. Бу йил эса янги тажриба асосида 55-70 центнергача сифатли пахта териб олишга ҳаракат қияпмиз.

Туманнинг "Азия премиум" масъулияти чекланган жамиятига қарашли майдонларга қўшқатор қилиб, плёнка остига томчилатиб сўғориш усулида чигит қадалган эди. Ерлар талаблар даражасида тайёрлангани, чигит сифатли экилгани учун ҳам ёш ниҳоллар плёнка остидан бош кўтариб, икки, уч қулоқ кўрсатиб қолди.

Бу йил пахтани фақат қўшқатор усулида ва плёнка остига эдикди, — дейди "Азия премиум" МЧЖ раҳбари Илҳомжон Умнатқулов. — Мақсадимиз — ҳосилдорлиқни янада кўтариш. Яъни, энг камида 55-65 центнердан ошириб пахта етиштириш. Бунинг учун плёнка қўлладик ва томчилатиб сўғоришни жорий қилдик.

Фермер Илҳомжон Умнатқуловнинг айтишича, у ҳар бир

кўчатни танийди. Тўғри, у бу гапни фарғонача аския аралаш айтган бўлса-да, аслида қайси қаторда неча уяда чигит унмадан ёки кўчат қулоғи плёнкадан чиқмаган, буни аниқ билади.

— Ҳар гектар майдонда 240 мингтадан ортиқ кўчат униб чиққан. Уларни яғана қилиш шарт эмас. Хитойдан келтирилган экиш агрегатларини қўлладик. У чигитни маълум ораликқа санаб ташлаган. Натижада ҳар гектариға 20 килограмм уруғлик чигит сарфланди ҳолос, — дейди Илҳомжон Умнатқулов.

Шу қунларда Данғарадаги пахта майдонларида кўчат ниҳолларига ишлов бериш қизгин паллада. Бунинг учун тумандаги барча техник воситалар сошлаб, жалб қилинган.

— Бугунгача 5450 гектар майдоннинг 3680 гектари ёки 67 фоизда чигит тўлиқ униб чиқди. Ҳозирда чўқур юмшатиш ва культивация ишлари олиб борилмоқда, — дейди Абдулазиз Баҳромов.

Данғара тумани Фарғона вилоятида пахтачилик соҳасида ҳаммиса пешкадам бўлган. Амалга оширилаётган ишлар бу йил ҳам юксак натижаларга эришилишидан дарак бермоқда.

Сарвар ОБИД.
Элёр ОЛИМОВ
олган суратлар.



БАҲОР КУНЛАРИНИНГ БИРИДА...

Соҳибқирон Амир Темуэр Эроннинг Шероз шаҳрини эгаллаган кунлари машҳур шоир Ҳофизни ўз ҳузурига чақиртириб, гурунглашганини биласизми? Икки буюк зотнинг бу учрашуви адабиётдагина эмас, тарихда ҳам муҳим воқеа бўлган. Дўстона ҳазил-мутойибадан бошланган суҳбат жиддий мунозара тусини олган экан.

...Темурбек Форс вилоятини эгаллаб, Шероз шаҳрига қадам қўйди. У ширин шеърлари тилларда дoston бўлган шоир Ҳофизни ҳузурига чақирди.

— Эй тили нофиз Ҳофиз, — деди Темурбек, — мен Самарқанду Бухоро шаҳарларини обод этиш мақсадида юрсаму, сен менинг икки буюк шаҳримни аллақандай турк гўзали энгидаги бир ҳинду менгига совға қилибсан. Бу нимаси ахир?

**Агар он турки Шерозий
ба даст орад дили моро,
Ба холи хиндуи бахшам
Самарқанду Бухороро.**

*(Дилимни овласа ул турки
Шерозий, ўшал они,
Берай бир хинду холига
Самарқанду Бухорони.)*

— Эй олам фотиҳи, ва эй замона хоқони Амир Кўрагон ҳазратлари, — деди шоир, — мен камтарин қулингиз гўзаллик шайдоси ва ҳусну латофат аҳлининг гадосиман. Гўзал санамлар қошида кўнглим бўшлиғи ва кўлим очиклигидан мана шундай йўқчиликка тушиб ўтирибман. Мен қари қулингизни кечиринг.

— Майли бу байтингни қўйиб турайлик. Бир шеърингда шундай байт ҳам бор экан:

**Соқинони Ҳарамии сатри
ифофи малакут
Бо мани роҳ нишин бодаи
мастона заданд.**

*(Боқира, пок қиз малаклар
Ҳарамдан айлаб сафар,
Йўлда мен-ла май ичиб
масти аласт ўпирдилар.)*

Шу байт ҳам сеникими? Сен Худонинг ҳарамии бор, деб гуноҳга ботибсан. Бунинг устига Оллоҳнинг поклигига шубҳа ва туҳмат ҳам қилибсан. Эмишки, фаришталар ҳарамдан чиқиб келиб, йўл бўйида сен билан май ичиб маст бўлганимиз. Бунга нима деб жавоб берасан?

— Тушунтириб беришга ижозат этинг, — деди Ҳофиз. — "Сатри ифод" сўзлари Худонинг ҳарамии шарифи муқаддас даргоҳ эканига ишора қилади. Яъни, ул ерда бегоналарга йўл йўқ. Мен бу сатрларни баҳор кунларининг бир тонг чоғи ёзган эдим. Ўшанда бутун Шероз ҳавоси гуллар ҳиди билан муаттар бўлган эди. Мен маст бўлиб қолгандай эдим.

Ўзимни коинотнинг бир бўлагидек ҳис этардим. Гўёки фаришталар билан сўзлашгандай бўлардим. Улар менга яратилиш сирларини очиб бергандай бўлдилар. Мен шу ҳолатни "мен билан май ичдилар" деб ёзиб қўйибман. Демакки, ўзим ҳис қилган нарсаларни шеър қолипига сола олмабман. Орифлар кўп ўйлаб, қўп нарсаларни сезадилар, аммо бу тўғйўларни сўз билан баён этиш қийин кечади. Маънавий ҳиссиётларни ҳеч қим тўла-тўқис тасаввур қила олмайдим. Шунга ўхшаш мен ҳам фаришталардан нимани сўрадим, улар нима дейишди, ҳозир айтиб беролмайман. Борди-ю айтганимда ҳам воқеанинг юз мингидан бир бўлагини айтган бўламан. Рухимга кўрсатган таъсирини тарифлаб бериш қўлимдан келмайди. Ўша баҳор кўни тонги мен ўзимда эмас эдим, ихтиёрим қўлдан кетган эди...

Жуда яхши англандинг, эй Ҳофиз, — деди Темурбек, — сен лутфу марҳаматимизга лойиқ экансан. Шундай қилиб суҳбат яхши хулоса билан тугади. Ҳозиржавоб шоир жазо эмас, мукофот олди.

Бу оламшумул гурунг ҳақида кўп адаблар ёзилган. Фахриддин Али Сафий, Марсел Брион, профессор А.Арберри, Ақсад Мухтор каби муаллифлар номини яна давом эттириш мумкин.

Толиб
НОСИР.

478-сонли ИНВЕНТАРЬ

Бу "Ҳидоя"нинг Қўқонда
кўчирилган нусхасидир

Мовароуннахр фикҳ мактаби тарихида марғионийлар сулоласининг ўрни беқийс. Бу сулоладан бир неча фақиҳлар етишиб чиққан бўлиб, аксарияти қозилик ва мударрислик қилишган, дин ва жамият ишларида катта мансаб соҳиб бўлганлар.

ХII аср бошида таваллуд топган улўф зотнинг тўлиқ исми ва насаби — Абул-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдул-Жалил ал-Фарғоний ар-Ришдоний Марғионийдир. Буюк мутафаккирни "Бурхон уд-дин ва-л-мила" деган шарафли ном билан аташган ("Милла" — олимни унўғлаб, уни ислон динининг даили, исботи деб мадҳ этиш). Манбаларга кўра, асл насаби Абу Бакр Сиддик розияллоху анҳуга бориб етади.

Бурхониддин Марғионий болалигидан жуда зехнли бўлган. Ҳали вожага етмай туриб, Қуръони Каримни ёд олиб, ҳадисларни чўқур ўрганган. Ҳижрий 544 (милодий 1149) йилда муборақ ҳаж сафарини адо этган.

Дунёда фикҳ илми бўйича жуда кўплаб асарлар ёзилган бўлса-да, баъзиларигина бизгача етиб келган. Улардан бири — Имом Бурхониддин Марғионийнинг "Соҳиб ал-хидоя" асаридир.

Донишманд олим китобни ҳижрий 573 йил зулқайда ойининг чоршанба кўни эишга киришган. "Хидоя" ўша даврда мавжуд катта амали аҳамиятта эга бўлган кўплаб ҳуқуқий муаммоларни ечиб беришга қаратилган, маъзаб масалалари ва унинг далилларини ўзимда жамловчи шарҳий китобдир. Муҳаммад Абдулхай Лакнавийнинг манбаларга таяниб ёзишча, Бурхониддин Марғионий китобни 13 йил давомида доимо рўзадор бўлган ҳолда ёзган.

Тўрт жилдик "Хидоя" муҳим ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида 57 та китоб, 165 боё, 152 фаслдан таркиб топган бўлиб, мерос ҳуқуқидан ташқари, фикҳнинг барча соҳаларини

қамраб олган. Мерос ҳуқуқининг китобга киритилмаганининг сабаби шундаки, Имом Аъзам Абу Ҳанифа мерос муаммоларини бир мустақил фан сифатида фикҳ илмидан ажратиб, уни "фароиз илми" деб атаган.

"Хидоя"нинг ҳар бир жилди турли муаммоларнинг ҳуқуқий ечимига бағишланган. Унинг I жилдида — таҳорат ва амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж) борасида сўз боради. II жилдига никоҳ, эмизш, талоқ, қулларни озод қилиш, топиб олинган болаларнинг насабларини аниқлаш, топиб олинган нараса, шерикчилик ва вақф ҳуқуқи каби масалалар киритилган. III жилди олди-сотди, пул билан боғлиқ муаммолар, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик, ҳомийлик, босқинчилик каби масалаларга бағишланган. IV жилдда қурбонлик қилиш, шариатга зид ёмон нарсалар, ташландик ерларни ўзлаштириш, деҳқончилик ва боғдорчилик йўналишидаги шартномалар, жиноят, васият каби масалалар ёритилган. Китобда фикҳ илмининг 57 та мавзуси алоҳида биттадан китобга сарлавҳа қилиб олинган, ўз навбатида, ҳар бир фикҳий мавзу боё ва фаслларга бўлинган ҳолда ёритилган.

"Хидоя" асарининг қўлёзма ва босма нусхалари дунёнинг кўпгина давлатлари, жумладан, Англия, Германия, Туркия, Россия, Франция ва бошқа мамлакатлар қўлёзма фондлари ва кутубхоналарида сақланмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти Қўлёзмалар хазинасида сақланаётган "Хидоя"нинг қўлёзма нусхалари ҳақида "Шарқ қўлёзмалари мажмуаси"да кенг маълумотлар берилган. Шунингдек, Марказий Осиёнинг турли шаҳарларида,

Афғонистон, Миср, Қошғар, Ҳиндистон каби мамлакатларда кўчирилган нусхалари мавжуд. Институтда китобнинг 80 дан ортиқ қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз даврининг истеъдодли хаттотлари томонидан қўчирилган.

Қўқон давлат музей қўриқхонаси филиали Буюк алломалар музейида асарнинг котиб Назруллоҳжўжа бини Мухаммад Алихўжа Ҳўқандий томонидан латиф шаҳарда кўчирилган қўлёзма нусхаси 478-сонли инвентарь рақамни остида сақланмоқда. Қўлёзманинг охириг бетидаги колофонада котиб томонидан араб тилида "Хидоя" деб номланган ушбу шариф китобни китобат қилиш ҳижрий 1287 йилда Назруллоҳжўжа бини Мухаммад Алихўжа Ҳўқандий томонидан тугалланди" деб ёзиб қўйилган.

Китоб 310 варақдан иборат, қора сиёҳда ва айрим аҳамиятли сўзлар қизил сиёҳда ажратиб ёзилган. Сарғиш рангли шилдирак Қўқон қорғози наставийк хатида битилган. Пойгирлар қўйилган. Варақлар рақамланган. Айрим бетлар орасида қўшимча саҳифалар қўйилган, уларда ёзувлар мавжуд. Китоб ҳошияларига ҳам шарҳлар ёзилган. Қўлёзма ўлчами 20,5 x 31,5 сантиметр.

Фикҳ илмининг билимдони, қомусий олим Бурхониддин Марғионийнинг жаҳон маданияти ва илму фанига қўшган ҳиссаси ҳанўзгача дунё халқлари томонидан ҳайрат билан эътироф этилади.

**Муъаззамхон МАҲМУДОВА,
Қўқон давлат музей
қўриқхонаси филиали
Буюк алломалар музейи катта
илмий ходими.**

(Бошланиши 1-бетда).

Ўзгача услуб, тезкор ва юқори техника билан ажралиб турган футболчиларимизни галаба сари рухлантира олган Исломбек Исмоилов мазкур турнирнинг энг ёш мураббийларидан бири сифатида ҳам тарихга битилди. У 27 ёшидан бошлаб, Ўзбекистон чемпионатининг Суперлигасида Яйпаннинг "Турон" футбол жамоасини яшил майдонга олиб тушган. Бундан уч йил аввал иқтидорли йигитга 14 ёшгача бўлган ўсмирларни катта футболга тайёрлаш вазифаси юклатилганди. Бу ишонч оқланди.

Исломбек шогирдлари чемпионат давомида ўтказилган барча ўйинларда мағлубият нисбатини билмаган ягона жамоа бўлди. Шижоатли ёшлар дастлаб гуруҳ босқичида Таиланд, Хитой, Саудия Арабистони



ИСЛОМБЕК ИСМОИЛОВ:

“ЎЗБЕК ФУТБОЛЧИЛАРИ НИМАЛАРГА ҚОДИРЛИГИНИ ДУНЁГА ЭСЛАТИБ ҚЎЙДИ”

ни термаларини енгиб, жорий йилнинг ноябрь ойида Катарда ўтадиган Жаҳон чемпионатида йўлланмани кўлга киритдилар. Сўнгра чорак финал учрашувида Бирлашган Араб Амирликлари ва ярим финалда КХДРлик тенгдошларини доғда қолдиришди.

Турнир финалида ўзбек ўғлонлари яна майдон эгаларига қарши тўп сурди. Аммо бу сафар кизки картонча олиб майдондан четлатилган икки футболчисиз – тўққиз киши бўлиб, кучли жамоага қарши ўйнаш осон бўлмади. Юқори босимга қарамасдан, юртдошларимиз чинакам жасорат кўрсатишди ва 2:0 ҳисобида галаба қозондилар. Шунингдек, ўзининг маҳорати билан ажралиб турган Незматуллоҳ Рустамжонов – Осиё кубогининг энг яхши дарвозабони,

Садриддин Ҳасанов – энг яхши футболчи, 5 та гол урган бўвайдалик Асилбек Алиев – турнир тўпурари дея эътироф этилди.

Исломжон Исмоилов бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси қайд этган натижалар мамлакатимизда моҳир футболчиларнинг янги авлоди етишиб чиқаётганини кўрсатди.

– Бу галаба замирида жуда кўпчиликнинг меҳнати ётибди, – дейди Исломжон Исмоилов. – Ўзбекистон футбол ассоциацияси томонидан шу кунга қадар биз учун жуда кўплай йигинлар ташкил этилди, халқаро турнирларда иштирок этишимиз учун шароит яратиб берилди. Ватанимиз доимо қаҳрамонлар, мард инсонлар юрти бўлган. Буни футболчиларимиз яна бир

бор майдонда кўрсатиб беришди. Фантастик кўлами янада ошиб, чет эллик профессорлар иштирокида дарс машғулотларининг олиб борилиши, нуфузли халқаро анжуманлар ўтказилиши натижасида таълим сифатининг кўтариллишига эришилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, олий таълим тизимини ислоҳ қилишда инсон, муҳит ва тарбия жуда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистоннинг ўзига хос, ўзига мос, асрлар оша сайқал топиб келаётган демократияси, таълим ва тарбия йўллари, анъаналари борки, биз ҳамма соҳада ана шу манбаларга суянмоғимиз шартдир.

Мухтасар айтганда, Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессанс томон таълимга эътибор орқали дадил одимламоқда. Зеро, ёш авлодни чуқур билимли, жисмонан бақувват, ўз қобилиятини фаоллаштириш рўйбга чиқара олишга қодир этиб тайёрлаш масаласи янада муҳим тус олди. Бугунги сифатли таълим эртанги малакали кадр, дегандир.

Рустам ОРИПОВ.

АСИЛБЕК АЛИЕВ – ОСИЁ КУБОГИ ЎЙИНЛАРИ ТЎПУРАРИ

(Бошланиши 1-бетда).

Равшанбек ака 5 ёшли ўғли Асилбекнинг қўлидан тутиб, спорт майдончаси томон етаклаб борганида, кун келиб унинг моҳир футболчи бўлиб вояга етишини, халқаро ўйинларда зафар қучишини астойдил ният қилганди.

Асилбек ота-онасининг эзгу мақсадларини рўйбга чиқариш учун астойдил меҳнат қилди, машғулотлардаги машаққатларга бўйин эгмади, яшил майдонда эркин ҳаракат қилиш, тўпни ўзига бўйсундириш, жамоавий ўйин тартиб-қоидасини пухта ўрганди.

Тўртинчи синфни тамомлаши билан ўзи туғилиб ўсган Бўвайда тумани маркази – Янгиқўрғонда фаолият бошлаган “Odi junior” футбол мактабига қатнай бошлади. Унинг илк мураббийси Зафаржон Қувваталиев бўлажак чемпионнинг тўп сурилдаги хатти-ҳаракатларига профессионаллик бахш этди.

– Уйимизнинг ёнгинасида 26-умумтаълим мактаби бор. Асилбек кўннинг асосий қисмини шу ердаги стадионда футбол ўйнаш билан ўтказарди. Тенгдош болалардан иборат команда тўзиб, ўзи мусобақалар ташкилларди. Ундаги бу қизиқишни маҳалладаги катта-ю кичик кўллаб-қувватлаган. Ўғлимнинг Осиё кубоги мусобақасидаги ҳар бир ўйинини қишлоқдошларимиз билан биргаликда кузатиб бордик. Унинг шижоатига, болаликдан астойдил футбол ўйнашдаги маҳоратига ишонишди. Айниқса, финални туман ҳокими Бехзоджон Ибрагимов билан биргаликда катта экран орқали чексиз ҳаяжон билан томоша қилдик, – дейди Асилбекнинг دادаси Равшанбек Одилов.

Асилбек Тошкент шаҳридаги олимпия ва паралимпия заҳиралари коллежида таҳсил олаётган даврида тахрибали мураббий Қаҳрамонжон Муҳаммаджонов у билан индивидуал шуғулланиш, ҳам жисмонан, ҳам профессионал даражада камол топишига кўмаклашди.

Устозлари ишончини оқлашга ҳаракат қилган Асилбек Алиев терма жамоа сафига қабул қилингандан сўнг қисқа давр мобайнида ўзининг маҳоратини намойён эта олди. У иштирок этган кўллаб футбол мусобақаларида жамоанинг қўли баланд келди. Айниқса, терма жамоа аъзоси сифатида халқаро майдонда илк бор тўп сурishi омадли келди. Саудия Арабистонида бўлиб ўтган Осиё кубоги мусобақаларида рақиблар дарвозасига умумий ҳисобда бешта гол киритиб, турнир тўпурарига айланди.


– Саудия Арабистони жамоасини 2:0 ҳисобида ютиб, Осиё кубогини кўлга киритишимиз осон кечмади. Икки футболчимиз ўйиндан четлаштирилган бўлса-да, бундан руҳан тушқунликка тушмадик. Қайтанга, характерли ўйин кўрсатдик, бир-биримизни кўллаб-қувватладик, ортимизда миллионлаб юртдошларимиз борлигини, Президентимиз бизга ишонч билдириб турганини қалбдан ҳис этдик. Биринчи бўлимдан сўнг мураббийларимиз бирдамликни қўлдан бой бермаслигимиз бўйича мотивация беришди, – дейди Асилбек Алиев.

Ўзининг ёркин истеъдоди ва профессионал маҳорати, улкан азму шижоати ҳамда мустаҳкам иродасини намойён этиб, Саудия Арабистонида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган нуфузли мусобақада мислсиз жасорат ва матонат намуналарини кўрсатган, Осиё кубогини кўлга киритиб, ўзбек футбол тарихида янги бир шонли саҳифа очган футболчиларимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан “Келажак бунёдкори” медали билан мукофотландилар ҳамда уларга “Cobalt” автомашинаси тантанали топирилди.

Асилбек Алиев каби футболчиларимизнинг ота-оналари, юртимизнинг кўп миллионли спорт ихлосмандлари баркамол фарзандлар туфайли шараф тожини кийишди.

Муаттар МАҲМУДОВА.

Педагог минбари



СИФАТЛИ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИККА ЙЎЛ ОЧАДИ

Юртимизда Тараққиёт стратегияси доирасида ривожланган давлатлар каби узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш, малакали кадрларни тайёрлаш бўйича сезиларли ислохотлар амалга оширилмоқда. Зотан, бугунги замонавий ҳаётни илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг баробарида, қай бир соҳани олиманинг, унинг юксалиши учун, энг аввало, таълим тизими ривожланган бўлиши керак. Зеро, инсон билими, иқтидорига эътибор қаратмай туриб, натижага эришиб бўлмайди.

Дилобархон ХОЛИҚОВА,
Фарғона давлат университети “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига қўйрилиб, ёшларнинг жаҳон кўндаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаш учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилмоқда. Ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар натижасида мактабгача таълим, мактаб таълими ва албатта, олий таълим тизими катта ўзгаришларга юз тутди. Ислохот ва янгиланишлар “Янги Ўзбекистон оstonаси таълимдан бошланади”, деган ғоянинг нақадар муҳимлигини тасдиқлади.

Албатта, мамлакатимизда таълим соҳасига

юксак даражада эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки таълим сифатини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқяю ягона тўғри йўли. Ушбу янгиланиш ва ривожланишлар натижасини Фарғона давлат университети мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Олийгоҳнинг янги ўқув бинолари қад ростлагани, замонавий ўқув ва лаборатория хоналари ташкил этилгани ва жиҳозлангани, юксак салоҳиятли илмий кадрлар билан таъминланганлиги ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ ҳар томонлама юксалиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Яна бир эътиборли жиҳати, университетнинг

хорижий олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик кўлами янада ошиб, чет эллик профессорлар иштирокида дарс машғулотларининг олиб борилиши, нуфузли халқаро анжуманлар ўтказилиши натижасида таълим сифатининг кўтариллишига эришилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, олий таълим тизимини ислоҳ қилишда инсон, муҳит ва тарбия жуда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистоннинг ўзига хос, ўзига мос, асрлар оша сайқал топиб келаётган демократияси, таълим ва тарбия йўллари, анъаналари борки, биз ҳамма соҳада ана шу манбаларга суянмоғимиз шартдир.

Мухтасар айтганда, Янги Ўзбекистон Учинчи Ренессанс томон таълимга эътибор орқали дадил одимламоқда. Зеро, ёш авлодни чуқур билимли, жисмонан бақувват, ўз қобилиятини фаоллаштириш рўйбга чиқара олишга қодир этиб тайёрлаш масаласи янада муҳим тус олди. Бугунги сифатли таълим эртанги малакали кадр, дегандир.



Бугунги кунда давлатимиз томонидан маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш, жамлаб, таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини такомиллаштириш, китобхонлик маданиятини ошириш бўйича қабул қилинган ўнлаб фармон ва қарорлар ўзбек тили равангликка бевоқосия хизмат қилмоқда. Қолаверса, ўзбек тилининг шунчаки адабий тили эмас, тафаккур тарзи ва мулоқот қуроли сифатида яшаб қолиши ва ривожланиши халқимизнинг миллий ўзлигига садоқати, юртига муҳаббатига ғоят боғлиқ эканлигини юксак тафаккур билан англаб етмоқдамиз. Саъдий домла айтганларидек, тил номуси – миллат номуқидир. Мамлакатимизда яратилаётган янги тарих, янги тараққиёт даврининг амалий ифодаси, аввало, она тилимизга бўлган улкан эътибор ва муҳаббатимизда яққол намойён бўлмоқда.

Гулрух ТИЛЛАБОЕВА,
Фарғона давлат университети “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Президентимиз “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маънавий тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони имзолади. Янги тахрирдаги “Дав-

га бўйлашишига ҳам умидимиз ортмоқда. Ўз навбатида, бизнинг миллат кўзгуси бўлган она тилимизни сақлаб, келгуси авлодларга соф ва сержило ҳолда етказишга

ТИЛ БОР ЭКАН, МИЛЛАТ БАРҲАЁТ

Шу ўринда айтиш керакки, араблар истилосидан сўнг ўз бойлигини йўқотмаган ўзбек тилининг бугунги мақомига эга бўлиши асло осон кечмади. Тилимиз XIX ва XX асрларда янада бойиб борди. XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб адабиётимизга Фитрат, Ҷўпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғуллом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия каби бир қатор йирик истеъодларнинг кириб келиши билан ўзбек тили истикболи янада порлай бошлади. Тилимизнинг лугат таркиби бойиди ва грам-

матик қурилиши такомиллашиб борди. Заҳматкаш тилшуносларимиз, таржимон, адабиётшуносларимиз меҳнатлари натижасида она тилига янги ифодалар кириб келди. Умуман олганда, халқимиз буюк тарихимиз сири ҳам, асрий мақсадларимиз ва орзуларимиз ҳам шу она тилимиздаги сўзларга сингирганига ишонч ҳосил қилди.

Мамлакатимизда она тилимизга эътибор масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани тилимиз раванқи ва барҳаёлиги йўлида бутунлай янги давр бошланганини кўрсатди. 2019 йил 21 октябрда

лат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинди, мамлакатимизда Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди.

Қувонарлиси, бугунги кунда дунё ахлининг юртимизга, ҳусусан, она тилимизга қизиқиши ортди. АҚШ, Россия, Франция, Хитой, Туркия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Япония, Корея Республикаси, Озарбайжон, Ҳиндистон каби хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларида ўзбек тили ўқитилмоқда. Демак, ўзбек тилининг кадр-қиммати юксалиши билан бирга, унинг дунё-

бўлган масъулиятимизни янада ўстирмоқда.

Она тили бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жуда бўлиши муқаррар, деган улугвор сўзлар хамиша онгу шууримизда жаранглаб туриши лозимлигини англаймоқда. Мухтасар қилиб айтганда, она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши орқали халқимиз руҳи ва ўзлиги тикланган бўлса, бугун ўзлигини таниган халқ тили халқаро майдонда тараннум этиладиган бекиёс кучга айланди.

Айни пайтда бутун дунёда соғлом ва саломатлигида муаммолари бўлган шахслар аудиторияда биргаликда билим олиши учун инновацион платформалар асосида ўқув жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш ва ўзлаштириш тенденциялари кузатишмоқда. Жаҳон амалиётида бу йўналиш инклюзив таълим деб аталади.

БАРЧА БИРДАЙ БИЛИМ ОЛИШГА ҲАҚЛИ



Матлубахон АЛИМЖОНОВА,
Фарғона давлат университети “Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Алоҳида эҳтиёжли болаларни тарбиялаш мамлакатимизнинг асосий вазифаларидан биридир. Бугун жамиятимиз ўз олдида махсус тарбияга муҳтожлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу жараённинг барча бўғинларида уларнинг тўлақонли илм олиш имкониятини қўллаш вазифасини қўйган. Буни амалга оширишнинг энг мақбул йўналиши айнан инклюзив таълимдир. Бу ўқитувчилар ва ота-оналар томонидан ўқув жараёнига ижодий ёндашишни назарда тутати. Зеро, ҳар ким билим олиш ва жамиятда ўз қобилиятини эътироф этиш ҳуқуқига эгадир.

Юртимизда истиқомат қилаётган 700 минг нафардан ортқ махсус тарбияга муҳтожлиги бўлган шахсларнинг 100 мингдан ортигини 16 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этди. 2020 йил 13 октябрда давлатимиз раҳбарининг “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш

тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилингани уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустаҳкамлашга қаратилган ижобий ислохотлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг инклюзив таълимни ривожлантириш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, диалектик, статистик методлар, адабиётлар ва даврий нашрлар тахлили йўналиши чуқур ўрганишга хизмат қилади. Олий ўқув юртларида бу масала кенг тадқиқ этилмоқда. Шунингдек, 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясида ҳам ўз ифодасини топган.

Айни пайтда таълим ҳақидаги ўқувчи билан бўлган инклюзив таълимга оид қонунчиликнинг такомиллаштирилиши, бу борада босқичма-босқич ислохотларнинг олиб борилиши мамлакатимизда имконияти кенгланган болаларга соғлом ўғил-қизлар билан бир хил шароитда билим олишларида тенг ҳуқуқ ва имконият яратати.

OZIO-QVQAT TEKNOLOGIYASI VA MUHANDISLIGI XALQARO INSTITUTI QUYIDAGI BO'SH LAVOZIMLARNI EGALLASH UCHUN TANLOV E'LON QILADI:	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Мирзев Илхомжон номига 2016 йил 11 октябрда берилган 5870-рақамли пенсия гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
“Aniq va tabiiy fanlar” kafedrası:	Фарғона тумани, Миндонобод қишлоғи, Мададкор кўчасида жойлашган “777 Ko'kam” хусусий корхонаси номига берилган думалок муҳр ва тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
1. Kafedra assistenti lavozimiga (ingliz tili) 1 o'rin	Олтириқ тумани, “Бўрбонлик” МФЙ, С.Тўра кўчасида жойлашган “Axadjon Ismatov og'zusi” фермер хўжалиги номига берилган думалок муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
2. Kafedra assistenti lavozimiga (rus tili) 1 o'rin	Тошлоқ тумани, Фурқат кўчаси, 63-ўйда жойлашган “Farg'ona trans sayuohlik byuro'si” фермер хўжалиги номига берилган думалок муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Tanlovga hujjatlar qabul qilish muddati e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy. Murojaat qilish uchun manzili: Farg'ona shahar, Ahmad Farg'oni'y ko'chasi, 204-uy. Telefon: 97 555-09-39. Kengash kotibi.	Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими, “Фарғона ҳақиқати” газетаси тахририяти ижодий жамоаси “Қўқон садоси” газетаси собиқ ходими, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Қурбоний Султоновага турмуш ўртоғи, таниқли журналист Баҳодир НОСИРОВ нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetaları tahririya'tı	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косоний шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11450.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Сохибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош мухаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.
Бош мухаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума куни чиқади. Адади: 2329 нусха.	Баҳоси келишилган нархда.	Саҳифаловчи: Алишер Розиков. Босишга топириш вақти: 16.00. Топириш вақти: 16.00.

